

12-25-2018

# LINGUO COGNITIVE ANALYSIS OF SOME METAPHORIC EXPRESSIONS CONTAINING ANIMAL RELATED LEXEMES IN THE ENGLISH LANGUAGE

Mirzo Makhmudovich Tursunov  
*Senior teacher at English linguistics department, Bukhara state university*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

---

### Recommended Citation

Tursunov, Mirzo Makhmudovich (2018) "LINGUO COGNITIVE ANALYSIS OF SOME METAPHORIC EXPRESSIONS CONTAINING ANIMAL RELATED LEXEMES IN THE ENGLISH LANGUAGE," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 1 : Iss. 5 , Article 3.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol1/iss5/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК 81.373.612.2[111.512.133].001.36

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТАРКИБИДА ҲАЙВОНЛАРГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР ҚАТНАШГАН  
БАЪЗИ БИР МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИЛИНГВОКОГНИТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕТАФОРИЧЕСКИХ ФРАЗ НА АНГЛИЙСКОМ  
ЯЗЫКЕ, ВКЛЮЧАЮЩИХ ЛЕКСЕМЫ ЖИВОТНОГО МИРАLINGUO COGNITIVE ANALYSIS OF SOME METAPHORIC EXPRESSIONS CONTAINING  
ANIMAL RELATED LEXEMES IN THE ENGLISH LANGUAGE**Tursunov Mirzo Makhmudovich***Senior teacher at English linguistics department, Bukhara state university*

**Таянч сўзлар:** нутқнинг таъсирчанлиги, коннотатив (кўчма) усул, лингвокогнитив таҳлил, когниция, образлилик, концепт, менталитет, турмуш тарзи, унсур, концептуал система, метафорик концептлар.

**Ключевые слова:** убедительность речи, коннотативный метод, лингвокогнитивный анализ, когниция, образность, концепт, менталитет, образ жизни, элемент, концептуальная система, метафорические концепты.

**Key words:** speech persuasiveness, connotative (transferrable) way, linguocognitive analysis, cognition, figurativeness, concept, mentality, a way of life, element, conceptual system, metaphorical concepts.

*Мақолада фразеологиянинг асосий таркиби сифатида кўрсатиб ўтилган иборалар, жумладан, метафорик ибораларга тавсиф берилган. Инглиз тилидаги ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган баъзи бир метафорик иборалар лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қилинган.*

*В статье определены значения фразеологических единиц, включая метафорических фраз. Также представлен лингвокогнитивный анализ некоторых метафорических фраз на английском языке, содержащих лексемы животного мира.*

*The article presents a definition for phraseological units, particularly metaphorical phrases. Some metaphorical phrases containing animal related lexemes have been analyzed from the linguo cognitive aspect.*

**Кириш.** Бугунги кунда тилшуносликнинг ҳар бир масаласи янгича, замонавий нуқтаи-назардан ўрганиляпти. Фразеология масалалари, жумладан, ибораларга ҳам фақат лингвистик элементлар сифатида қараш тўғри эмас. Фразеологик бирликлар аллақачон бизнинг маданий, ижтимоий, психологик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. Мазкур мақолада биз инглиз тилидаги метафорага асосланган айрим ибораларни лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қиламиз ва уларнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

**Асосий қисм.** Маълумки, фразеология назариясининг илк тадқиқотчиларидан бири Шарль Балли ҳисобланади. У ўзининг “Француз стилистикаси” номли асарига сўз бирлашмалари, яъни фразеологизмларни тадқиқ этувчи махсус боблар киритган эди. У фразеологик бирлашмаларнинг ташқи (ишончсиз ёки шунчаки алдамчи) ва ички (асл баҳо, белги) хусусиятларини бир-биридан фарқлаган эди. Унинг таълимотига кўра, бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари ташқи белгилари, семантик табиати эса унинг ички белгилари саналади [1, 47]. Ф. де Соссюр эса “Умумий тилшунослик курси” асарида синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирикмалар борки, уларнинг характери ўз маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. Уларни тайёргарликсиз қўллаш мумкин эмас, чунки бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланилади, - деган эди [2, 157].

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Фразеологик бирликлар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлган, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади. Бундай ифода усули бошқа тил бирликларида тўла қамраб олинмайди. Ҳар қандай фикрнинг коннотатив (кўчма) усул билан ифодаланиши турли бирликларда – фонема, морфема, лексемаларда ҳам учрайди, аммо фраземаларнинг барчаси шу усул билан кўзга ташланади. Ҳар бир тилда жуда ҳам кўплаб иборалар мавжудки, улар кўп вақтлардан буён шу тилда сўзлашувчи халқ вакиллари томонидан қўлланилиб келинмоқда. Иборалар шубҳасиз, у ёки бу халқнинг маълум бир маданий қадриятларини, урф-одатларини, кундалик ҳаётини ўз ичига сақлаб, уларни нутқда кенг қўлланилишига имкон берувчи воситадир. Ибораларни лингвокогнитив таҳлил қилиш орқали уларнинг қай тарзда халқ тилига кўчганлиги, пайдо бўлиш тарихи, концептуал системаси, халқнинг ҳаёт тарзи каби масалалар ҳисобга олинади. Лингвокогнитив таҳлил нафақат тилшуносликка оид масаларни ўрганади, балки фалсафий, тарихий, этнографик, маданий, психологик, ижтимоий унсурларни ҳам ўз ичига олади. Когнитивистикада асосий эътибор инсон когнициясига берилади, бунда нафақат кузатилаётган ҳаракатлар тадқиқ этилади, балки билимлар асосида ҳаракатларни вужудга келтирувчи, уларнинг ментал репрезентациялари (намоён бўлиш), яъни ички тасаввур, моделлар, рамз, инсон стратегияси ўрганилади. Инсоннинг когнитив дунёси Метафорага асосланган иборалар (метафорик иборалар)нинг сони инглиз тилида анчагина кўп бўлиб, улар ўхшаш хусусиятларга эга бўлган буюм, шахс ва бошқаларни қиёслаш йўли билан аниқланади [5, 15]. Метафорик иборалар асосан нутқга образлилик, эмоцияни беради ҳамда маъно кучайишига хизмат қилади. Тилимиздаги метафорик иборалар метафорик концептларга систематик равишда чамбарчас боғлиқ экан, биз лингвистик метафорик ибораларни метафорик концептлар хусусиятини ўрганиш учун ишлатишимиз мумкин, бу орқали фаолиятимизнинг метафорик хусусиятларини тушуна оламиз [4, 7]. Ушбу жараён бундай метафораларни лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қилишдан бошланиши мумкин. Қуйида таркибида ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган айрим инглизча метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлилин келтирамиз ҳамда ибораларнинг не чоғлиқ халқ маданиятига, менталитетига алоқадорлигини аниқлаймиз.

“Dog eat dog” метафорик иборасини лингвокогнитив усулда таҳлил қилиш орқали унинг келиб чиқиш тарихи, маънолари, маданий ҳамда ижтимоий ҳаётга оид унсурлари, лингвистик маълумотларни олишимиз мумкин бўлади. Аввалам бор, мазкур метафорик фразеологизмнинг луғавий маъносига эътибор қаратамиз: “A situation of fierce competition in which people are willing to harm each other in order to succeed” [6, 81]. Яъни, Оксфорд идиомалар луғатига кўра, мазкур фразеологик бирлик “муваффақиятга, ўз мақсадларига эришиш учун кишилар бир-бирларига ҳар қандай шикаст етказишга ҳам тайёр бўладиган кучли рақобатлашишга киришиладиган вазият” деб изоҳланади. Ушбу метафорик фразеологик бирликнинг келиб чиқиши 16-асрдаги Англия тарихига бориб тақалади [6, 81]. Ушбу ибора бизга Ғарб жамиятидаги ижтимоий ҳаётнинг маълум бир кўринишларини намоён этади. Ҳар ҳолда индивидуализм кучли кўриниш олган Европа мамлакатлари фуқаролари ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай кескин ҳаракатдан, нотўғри ишдан тоймасликлари, ўз йўлларидаги турли ғовлар билан ҳар қандай шароитда курашишлари ушбу ибора қўлланилишида назарда тутилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Англияда ушбу идиома салбий маънода қўлланилиб, ўз мақсади йўлида ҳар қандай қабих, нопок ишдан, ҳатти-ҳаракатдан тойимайдиган инсонларни тасвирлашда қўлланилади. Тобора ўзгариб бораётган инглиз жамиятидаги салбий характерли, мансабпараст, айёр кишилар ушбу идиома орқали анчайин кўпол концептни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу иборанинг метафорик концепти итларнинг бирор бир егулик устида ўта аёвсиз, шавқатсиз тарзда курашиши, урушиши асос қилиб олинади.

Қуйида “cat” лексемаси иштирок этган бошқа бир метафорик фразеологизмни таҳлил этиб кўрамиз. “Put the cat among the pigeons” фразеологик бирикмаси

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

метафорик ҳисобланади, бу ерда “cat” ҳамда “pigeons” сўзларининг ҳаракатлари инсон ҳаракатларига ўхшатишмоқда. Ушбу метафорик иборанинг луғатдаги изоҳини кўриб чиқамиз: “Say or do something that is likely to cause trouble or controversy” [6, 48]. Ушбу идиоманинг маъноси, “муаммо ёки катта ғалвани келтириб чиқарадиган иш қилиб ёки гап айтиб қўймоқ”дир. Иборани когнитив нуқтаи-назардан таҳлил қиладиган бўлсак, албатта бу ерда инглиз маданиятига хос бўлган яна бир унсурга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Англияда кўплаб кабутарлар кўчаларда одамлардан унчалик ҳам ҳайиқмай яшашади. Одатда кишилар уларни турли егуликлар билан сийлашади, агар бирор-бир кимсанинг мушуги улар орасига кириб қолса, ҳақиқий тўполон бошланади. Фразеологик ибора айнан мана шу концепт асосида қурилган, яъни нотўғри айтилган сўз, нотўғри қилинган ҳаракат туфайли инсонларнинг тинчи бузилиши, тўс-тўполон бошланиб кетиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу идиома асосан инглиз тилининг британча вариантига хос ҳисобланади. Мазкур фразеологик бирлик инглиз тилидаги энг қадимий лексик воситаларидан бири ҳисобланади, биринчи марта ёзма нутқда у Ж.Стивенсоннинг янги испанча-инглизча луғатида 1706-йилда пайдо бўлган. Ўша пайтда идиома бирор бир эркак кишининг аёллар жамоасига келиб қолиши мушукнинг кабутарлар тўпланиб турган жойда пайдо бўлиб қолиш ҳолатига ўхшатишган. Бу ҳолатда кабутарларнинг тинч, беозор хусусиятлари ўша пайтдаги Англия аёлларининг ўзига хос характерларига яқин маъновий концепт сифатида қабул қилинган. Албатта, бугунги кунга келиб, жамият ва ундаги баъзи бир қоидаларнинг ўзгариши туфайли ушбу фразеологик бирикма ўзининг луғавий маъносини ўзгартирган. Когнитив йўналиш лексик-семантик сатҳдаги таҳлиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга, когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдимотини код ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизимидир.

Таркибида ҳайвонларга оид лексемалар қатнашган метафорик иборалардан яна бири “in the lion’s den” ҳисобланади. Ушбу метафорик иборанинг луғавий маъноси қуйидагича: “a demanding, intimidating, or unpleasant place or situation” [6, 175] ҳисобланади. Яъни ташвишли, қўрқинчли ёки ёқимсиз жойда бўлиб қолмоқ ёки шундай вазиятга тушиб қолмоқ. Фразеологик иборани метафорик деб атаганимизга сабаб, инглиз тилидаги “den” (шер яшайдиган жой) сўзи ҳаётда учрайдиган мураккаб, ташвишли вазиятга ўхшатиляпти. Бунда албатта шердек ёввойи, табиатдаги энг кучли, қўрқинчли ҳайвоннинг инида бўлиш яхши оқибатларга олиб келмаслиги, жуда ҳам мураккаб аҳволга тушиб қолиш мумкинлигига шаъма қилинапти. Фразеологик бирикманинг лингвокогнитив хусусиятларига тўхталар эканмиз, биринчи навбатда унинг этимологиясига эътибор қаратамиз. Шернинг уясига кириш қадимги замонларда ҳам дунёдаги энг мураккаб, ўлим билан баробар ҳаракат ҳисобланган. Қадимда давлатга хиёнат қилганлар оч шерлар тўдасига ташлаб юборилган, албатта, ҳеч бир инсон бундай ҳолатда тирик қолмаган. Ушбу фразеологизм-нинг машҳур бўлиб кетишига ҳам айнан мана шундай жазоланишлар сабаб бўлган. Қирол Доро ўзининг энг яқин, ишонган вазирларидан бири, Даниэлни шерларга ташлашга маж-бур бўлади. “Худо, албатта, сенга ёрдам беради” деганича, Доро суюкли вазирини шерлар яшайдиган жойга итариб юборишга буйруқ беради [3, 48]. “In the lion’s den” фразеологик бирикмасининг келиб чиқиши Шарқ маданиятига боғлиқлиги кўпроқ эҳтимолли, лекин қадимги даврда Фарб давлатларида ҳам жинойтчиларни жазолаш мақсадида инсонларни шер исканжасига ташлаш анъанаси бўлган: қадимги Рим империяси ҳудудида бундай ҳолатлар учраб турган. Англия ҳам Рим империясининг собиқ мустамлакаси сифатида юқоридаги ҳолатдан истисно бўлмаган. Балки, ушбу метафорик ибора инсониятнинг қадимги даврдаги шавқатсиз жазолаш усули сифатида баҳоланиши керакдир. Лекин бугунги кунда “in the lion’s den” фразеологик бирикмаси инсонларнинг мураккаб вазиятга тушиши, қийин характерли кишилар билан келишишга мажбур бўлиш ҳолатларида ишлатилади. Метафорик фразеологик бирлик замонавий инглиз тилида ҳам расмий ҳам норасмий тилда ишлатилади. Оммавий

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

ахборот воситаларида дунё сиёсатида бўлиб ўтаётган қайноқ воқеалар, мураккаб сиёсий тангликлар айнан мана шу ибора билан тасвирланади, у ёки бу кишининг ҳаётда, жамиятда мураккаб вазиятларни бошидан кечи-раётганини тасвирлашда ҳам ўша шахснинг ёмон ҳолатга ёки вазиятга тушиши шер инида бўлиш билан қиёсланиши мумкин. Бу ерда фразеологик бирлик тингловчи, ўқувчига у ёки бу вазият, ҳолат хусусида кўшимча маъно беришга хизмат қилади, баъзи контекст-ларда эса ҳатто маъно кучайтиришга хизмат қилади. Демак, метафоралар, метафорик иборалар кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисми, биз абстракт тушунчаларнинг моҳиятини англаш учун уларни бошқа бир реал предметларга онг ва тафаккуримиз орқали кўчираемиз.

“Have a frog in your throat” метафорик иборасининг луғавий маъноси қуйидагича: “lose your voice or find it hard to speak because of hoarseness or an apparent impediment in your throat” [6, 117], яъни “овозни йўқотиб қўймоқ ёки томоқдаги муаммолар, оғриқ туфайли гапиришга қийналмоқ”. Ушбу иборанинг метафорик деб айтилишига сабаб эса, кишининг дағал, қўпол овозда гапириши унинг оғзида (томоғида) ёқимсиз, хунук, қўпол қурбақанинг борлигига ўхшатиляпти. Иборанинг келиб чиқиш тарихи 19-асрнинг охирига бориб тақалади, ўша даврда Америка Қўшма Штатларида ёш болаларнинг оғиз бўшлиғидаги инфекция касалликларни даволаш учун уларнинг оғизларига қурбақа солинган [7]. Бу ҳаракат туфайли ўша касалликлар даволанган деган нотўғри тушунча бўлган. АҚШда ушбу фразеологизм ўша пайтда сўз бирикмаси сифатида тўғри маънода қўлланилган. Албатта, бугунги кунга келиб, фразеологизм метафорик хусусиятларга эга бўлиб, ўхшатиш ҳодисаси асосида кўчма маънога эга бўлмоқда. “Have a frog in your throat” фразеологизми асосан Америка инглиз тили вариантыга хос бўлиб, кишиларнинг маълум бир ташқи омиллар сабабли гапиришга мадори қолмаганлиги, лом-мим дейишга ожиз бўлиб қолганлигини тасвирлашда ишлатилади. Мазкур метафорик ибора Америка халқига шунчалар яқинки, унинг бир пайтлар тўғри маънода сўз бирикмаси сифатида қўлланилганлиги ушбу халқ онгига сингиб кетган, бироқ мазкур фразеологизм ўхшатиш асосида қурилганлиги бугунги кунда кўпчилик томонидан эътиборга олинмайди. Бу эса тил ҳодисалари табиати, моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун унда сўзлашувчининг борлиқни билиши ва уни онгида пишириб, ўз тилида тингловчига бекаму кўст узатиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб қилмоқда. Бу ҳам фразеологик ибораларнинг миллий менталитет, тарихий келиб чиқиш, маданий ва ахлоқий кўникма каби тушунчалар билан нақадар чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб беради. Қуйида инглиз тилида анча кенг ишлатилиш майдонига эга бўлган яна бир фразеологик бирикмани концептуал жиҳатдан таҳлил қилиб кўраемиз. “Play (or act) the (giddy) goat” фразеологизми қуйидаги маънога эга: “fool around; act irresponsibly” [6, 125]. Демак, ушбу фразеологик бирикма шўхлик қилмоқ, ўзини нодонларча тутмоқ, масъулиятсизларча ҳаракат қилмоқ каби маъноларга эга. Ибора таркибидаги “goat” (эчки) лексемасининг маъноси бирор бир кишининг турли ножўя, беўхшов ҳаракатларига ўхшатиляпти. Таъкидлаб ўтиш зарурки, “play (or act) the (giddy) goat” метафорик фразеологизми салбий маънони ифодалайди. Ушбу метафорик фразеологик иборанинг Англия миллий маданияти, ҳаёти билан маълум бир даражада боғлиқлиги мавжуд. Маълумки, Англиянинг тепаликлари, қир-адирларида чорвачилик кўп асрлардан бери сақланиб келинмоқда, у ердаги ҳайвонларнинг баъзи бир хусусиятлари (гоҳида ижобий, гоҳида салбий) инсонларга қиёслаш орқали метафораларга, метафорик ибораларга айланиб қолган. Эчкиларнинг шум, ўйинқароқ, бепарво хатти-ҳаракатлари баъзи бир инсонларга баҳо беришда, характерларини ифодалашда қўлланила бошланган. Ҳайвонлар ва қушларга хос ижобий ва салбий хусусиятлар инсонга унинг турмуши, одоб-ахлоқи ва ҳолати тил ёрдамида ўхшатилади, кўчирилади ёки метафоризация қилинади. Бу ҳолатлар образли бўлганлиги учун инсон ҳиссиётига кучли таъсир қилади ва унинг онгида муҳрланиб қолади. Шу нуқтаи назардан, яна бир марта шунга амин бўлдикки, у ёки бу

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

халқнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар унинг тилига, тил воситаларига, лексик бирликларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас экан.

**Хулоса.** Юқорида келтириб ўтилган фикрлар орқали шу нарсага амин бўлиш мумкинки, иборалар ҳам тил ва маданиятнинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Зеро, иборалар ҳам халқ тили ва маданиятнинг маълум бир ўзига хос характерини, менталитетини сўзлар, иборалар орқали ифодалаш мумкин. Инглиз тилида ҳам биз турли ибораларнинг метафорага асосланган ҳолда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин бўлади ва уларнинг келиб чиқиши бевосита инглиз халқининг маданияти, менталитети, турмуш тарзи, ҳаётини ташвишларига чамбарчас боғлиқ эканлиги лингвокогнитив таҳлилларда намоён бўлди.

### REFERENCES

1. Balli Sh. Frantsuzskaya stilistika. - M.: Nauka, 1984. - 85 s.
2. Sossyur F.de. Kurs obshey lingvistiki. - M.: Progress, 1977. - 157 s.
3. Flavell L. Dictionary of idioms and their origins. - L.: London Press, 1992. - 216 p.
4. Lakoff G. and Johnson M. Metaphors we live by. - C.: The University of Chicago, 1980. - 7 p.
5. Mc Carthy M., Felicity O. English vocabulary in use (advanced). - C.: Cambridge University Press, 2010. - 15 p.
6. Siefring J. Oxford dictionary of idioms. - O.: Oxford University Press, 2004. - 340 p.
7. [www.phrases.org.uk](http://www.phrases.org.uk) <<http://www.phrases.org.uk>>